

## ЗАМОНАВИЙ НОАНИҚЛИК ДАВРИДА ЁШЛАРНИНГ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЁНДАШУВЛАР

Жалалова Г.О. фал.ф.док.

ЎзМУ етакчи илмий ходими

Мақолада “ноаниқлик” замонавий даврни ифодоловчи хусусиятлардан бири эканлиги таъкидланади. Муаллиф мақолада ноаниқлик тушунчасининг фанга кириб келиши, онтологик ва гносеологик моҳиятини таҳлил этади. Бизни қуршаб олган дунё тобора мураккаблашиб, тез ўзгарувчан бўлиб хавф-хатар, таҳлика, таваккал, ноаниқлик, тасодиф каби атрибутлар билан тўлиб боратганлиги сабабли уларни англаш, билиш учун ёшлар тафаккурини ўзгартириш зарурлиги фалсафий таҳлил этилади. Бунинг учун ёшларда мураккаб тафаккурни ривожлантириш зарурлиги, бунинг учун таълим парадигмаларини янгилаш ва инновацион методологияларни қўллаш зарурлиги эпистемологик асосланади.

**Калит сўзлар:** ёшлар, мураккаблик, ноаниқлик, нозизиқлилиқ, ўз ўзини ташкил этиш, таълим, тафаккур, методология.

Бизни қуршаб олган дунё тобора мураккаблашиб, тез ўзгарувчан бўлиб хавф-хатар, таҳлика, таваккал, ноаниқлик, тасодиф каби атрибутлар билан тўлиб бормоқда. Моддий ҳамда ижтимоий-иқтисодий боғланишлар, алоқалар чамбарчас боғлиқ, уларни англаш, билиш учун ёшлар тафаккурини ўзгартириш, янги парадигма ва ёндашувлар зарур. Замонавий табиий-илмий далиллар ҳам тобора дунё нозизиқлигини, ўта мураккаблигини кўрсатмоқда. Шунинг учун бугунги кунда ўз-ўзини ташкиллаштириш ғоясига асосланган ва унинг фанлараро моҳиятини кўрсатувчи концепциялар мавжуд. Масалан, Г.Хакен – лазер нурларининг пайдо бўлиши, И.Пригожин – диссипатив структураларнинг кимёвий жараёнларда пайдо бўлиши, Матурана ва Варела – аутопоэзия – тирикликнинг пайдо бўлиши, Мандельбро – фрактал геометрия,

Луман – ижтимоий ҳаётда ва ҳ.к.<sup>1</sup>. Мазкур концепцияларнинг асосий тушунчалари бўлган ўз ўзини ташкиллаштириш, хаос, эмергентлик, қайта алоқадорлик, “капалак эффекти”, “автопоэзис” ва ҳ.к. лар замонавий мураккаб реалликни англаш ва тушунишда катта аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай бугунги кундаги давр руҳини ифода этувчи тушунчалардан яна бири бу “ноаниқлик” тушунчасидир.

Мазкур тушунча XX асрда физика соҳасидаги янги кашфиётлар сабабли қўпроқ қўллана бошланди. Дастлаб мазкур тушунча фалсафий ва илмий изланишларда учраса ҳам унга алоҳида эътибор берилмаган, чуқур тадқиқ этилмаган эди.

“Ноаниқлик” тушунчаси классик фанда билиш жараёнининг ўзига хос бир экстремал феномени, математик ва физик маълумотларнинг етарли эмаслиги ёки билиш жараёнидаги субъектнинг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда тушунилган. Фақатгина квант механикасининг шаклланиши натижасида ноаниқлик микро оламда амал қилувчи махсус тамойил сифатида кўрила бошланди.

Аммо синергетика ва ночизиқли динамика ривожланиши “ноаниқликни” реал оламдаги барча макро, мега тизимларга хос хусусият сифатида ўрганишни бошлаб берди. Айниқса, мураккаб онтологик табиатга эга бўлган виртуал оламнинг кашф этилиши ноаниқлик тушунчасига бўлган қизиқишни янада ортишига олиб келди.

“Ноаниқлик” тушунчасининг фанда ривожланишига И.Пригожин, Г.Хакен, И.Стенгерс ва бошқа синергетика намоёндаларининг тадқиқотлари катта замин яратди. Синергетикага оид тадқиқотларда бу тушунча ўз ўзини ташкил этувчи мураккаб тизимларнинг асосий хусусияти эканлиги асосланди.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Князева Е.Н. Энактивизм: новая форма конструктивизма в эпистемологии. – М., 2014.

Бугунги кунда “ноаниқлик” тушунчасига жуда кўп фан соҳалари муружаат этмоқда. Масалан, иқтисодий фанларда<sup>2</sup> ноаниқлик «компания фаолияти ва сарф харажат ва олинган натижалар ҳақидаги ахборотларнинг етарли ва аниқ эмаслиги» сифатида ҳам тушунилади.

Н.Беннет ва Дж.Лемони каби олимларнинг илмий изланишларида замонавий ноаниқлик даври “VUCA дунё” сифатида ўрганилган ва бундай дунёдаги компанияларни бошқарув стратегиялари иқтисодий нуқтаи назардан тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

“Ноаниқлик — доимий барқарорлик ва беқарорликда, ўз ўзини ташкил этувчи мураккаб тизимларга хос феномен бўлиб, келажакка дахлдор, аммо натижаси ҳали номаълум бўлган ҳодисадир. Ҳодиса деганда биз объектда содир бўладиган трансформацияни назарда тутамиз. Мазкур трансформация объектни ҳозирги ҳолатидан келажакдаги янги ҳолатга олиб ўтади”<sup>4</sup>.

Бундай ноаниқликнинг ўлчови бўлиб эҳтимолийлик хизмат қилади. Дастлаб бу тушунчани Гейзенбёрг онтологик маънода квант физикасидаги фундаментал хусусият сифатида ўрганган. Унга кўра заррачаларнинг тезлиги ва ўрнини аниқ ўлчаш мумкин эмас. Бундан эпистемологик хулоса чиқадики, доимий ҳаракатда, ўзгаришда бўлган ҳодиса ва жараёнлар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиш имконияти бизда чекланган бўлади. Айниқса, замонавий тез ўзгарувчан, мураккаб дунёда бу жуда муҳим қараш ҳисобланади.

<sup>2</sup> Управление в условиях неопределенности / Пер. с англ. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. 213 с <https://alpinabook.ru/catalog/book-upravlenie-v-usloviyakh-neopredelennosti/>.

<sup>3</sup> Lemonie G.J. What a difference a word makes: Understanding threats to performance in a VUCA world // Business Horizons. - 57 (3). - Pp.1-7. - [Электронный источник]. - Режим доступа:

[https://www.researchgate.net/publication/260313997\\_What\\_a\\_difference\\_a\\_word\\_makes\\_Understanding\\_threats\\_to\\_performance\\_in\\_a\\_VUCA\\_world](https://www.researchgate.net/publication/260313997_What_a_difference_a_word_makes_Understanding_threats_to_performance_in_a_VUCA_world).

<sup>4</sup> Плат П., Хасс Э. Определенность и неопределенность в социальных системах: синергетический подход. Мир человека: неопределенность как вызов / Отв. ред. Г. Л. Белкина. Ред.-сост. М. И. Фролова. Предисл. С. Н. Корсакова и М. И. Фроловой. М.: ЛЕНАНД, 2019. — 520 с. [https://iphras.ru/uplfile/rusph/articles/kors\\_mir-cheloveka\\_2.pdf](https://iphras.ru/uplfile/rusph/articles/kors_mir-cheloveka_2.pdf)

“Ноаниқлик”нинг классификациялари ҳам мавжуд бўлиб, улар М.Орлова фикрича<sup>5</sup> иқтисодий сиёсий, ижтимоий ноаниқликлардан иборат. Биз когнитив ноаниқликлар ҳам мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Кейинги йилларда замонавий давр хусусиятларини ўрганган олимлар жумладан, Н.Талёб томонидан ноаниқлик тушунчаси “қора лайлак”, Э.Тоффлер томонидан эса “футурошок” сифатида эътироф этилди. К.Шваб тадқиқотларидан кўриш мумкинки, замонавий ноаниқлик бугунги кунда ривожланаётган “тўртинчи саноат инқилоби” даврининг асосий хусусиятидир<sup>6</sup>.

Мураккаб тизимлар назариясида ноаниқлик асосий тушунчалардан биридир. У мураккаб тизимларнинг асосий хусусияти сифатида ўрганилади. Маслан, Э.Морен ноаниқликни барча билиш ва амалий фаолиятнинг тугалланмаганлиги, очиклиги, нозизиқлиги” деб ҳисоблайди<sup>7</sup>. Олим фикрича кўра, ноаниқлик мураккаб дунёнинг имманент хусусиятидир. Зеро, Морен тадқиқотида кўрсатиб ўтган мураккаб тизимларда вужудга келиши мумкин бўлган сабаб-оқибатнинг диалектик комбинацияси ҳам оламда доимо ноаниқликлар мавжудлигини кўрсатади ва бу комбинацияларни эътиборга олиш бошқарувда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур комбинциялар қуйидагилардан иборат<sup>8</sup>:

- а) бир хил сабаб турли натижаларни келтириб чиқариши мумкин;
- б) турли сабаблар бир хил натижаларга олиб келиши мумкин;
- в) катта бўлмаган сабаблар ҳам катта сабабларга олиб келиши мумкин;
- г) катта сабаблар ҳам кичкина натижаларга олиб келиши мумкин;
- д) баъзи сабаблар тескари натижаларни келтириб чиқариши мумкин;
- е) қарама-қарши сабабларнинг натижалари ноаниқ бўлиши мумкин.

<sup>5</sup>Орлова М. Терминология классификация понятия “неопределенность”. file:///C:/Users/Bahor/Downloads/terminologiya-i-klassifikatsiya-ponyatiya-neopredelennost.pdf

<sup>6</sup> Шваб К. Тўртинчи саноат инқилоби. Тошкент, Нихол, 2022. 248 с.

<sup>7</sup> Морен Э. Метод. Природа природы / Э. Морен. – М. :Прогресс-Традиция, 2005.

<sup>8</sup> Морен Э. Принципы познания сложного в науке XXI века / Пер. Е.Н.Князевой // Вызов познанию: Стратегии развития науки в современном мире. М., 2004. - С. 24.



Ўйлаймизки, замонавий мураккаб, ўзгарувчан даврда бу тамойиллардан фойдаланиш эвристик аҳамиятга эга. Мазкур тамойиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар қандай фаолиятимизнинг йўналиши ижтимоий, атроф-муҳит таъсирида ўзининг дастлабки йўналишини осонгина ўзгартириши мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, эндиликда инсон доимий ноаниқликлар, тасодифлар билан ҳамкорликда, улар билан биирга фаолият олиб боришни ўрганмоғи лозим. Шу кунгача амал қилиб келган чизиқли фикрлашдан, шу кунгача амал қилиб келган “фаолият-натижа” каби чизиқли андозамиздан воз кечишимиз лозимлигини кўрсатмоқда<sup>9</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, мураккаб тизимларнинг хусусиятларидан бири бўлган ноаниқлик, беқарорлик, ўзаро боғлиқлик, эмергентлик бугунги реалликда тўла намоён бўлиб, турли ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Мазкур ўзгаришлар, ҳодисаларнинг мураккаблиги, турли соҳаларда мавжудлиги, хилма-хиллиги ва кўп содир бўлиб туриши республикамиз ёшларининг ҳам тафаккурига катта таъсир этиши муқаррар. Шунинг учун ноаниқлик ортиб, унинг келажак авлод тафаккурига бўлаётган таъсирини ўрганиш, ёшларимиз тафаккурини шакллантириш методологияларини ўзгартириш долзарб методологик вазифадир.

---

<sup>9</sup> Морен Э. Метод. Природа природы / Э. Морен. – М. : Прогресс-Традиция, 2005. – 23.